

Qishloq hayoti

2012 йил Мустақкам оила ўли

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 5-APREL, PAYSHANBA, 41 (7969) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.



Қашқагарё Вилояти

АҲИЛ МАҲАЛЛА

► Пойтахтимизда болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда олимлар, ёш тадқиқотчилар, вилоятлардаги кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, тиббиёт бирлашмалари педиатрлари, умумий амалиёт шифокорлари иштирок этди.

► Нукусда одам савдосига қарши курашиш масаласига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Унда чет элда ишлаб қайтган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш, ижтимоий ҳимоя қилиш ва иш билан таъминлаш, одам савдоси жабрдийдаларига зарур ёрдам кўрсатишда тегишли ташкилотлар олдида турган муҳим вазифалар атрофида муҳокама этилди.

► Наманган шаҳридаги Ёшлар марказида "Энг намунали оила" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Кўрик-танловнинг "Энг намунали хунарманд оиласи" номинацияси бўйича биринчи ўрин Наманган шаҳридан Соҳиба Қайумовага, "Энг намунали тадбиркор оиласи" номинацияси бўйича голиблик Тўрақўрғон туманидан Сабоҳат Жакбаровага, "Томорқадан самарали фойдаланган намунали оила" номинацияси бўйича голиблик эса Чортоқ туманидан Мавлуда Қурбоновага насиб этди.

► Нурота туманида спортнинг эркин учувчи ва радиобошқарувли авиамоделлар тури бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Мусобақада Фарғона вилояти спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга сазовор бўлди. Кейинги ўринлар Самарқанд ва Тошкент вилоятлари авиамоделчиларига насиб этди.



СПОРТТА ОШНО ҚАЛЪЛАР

Ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда маҳалланинг ўрни катта. Буни Қарши шаҳридаги Беглар маҳалласида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни фойдали машғулотларга жалб этишга қаратилаётган доимий эътибор мисолида ҳам кўриш мумкин.

Аҳиллик, ҳамжиҳатлик ҳукмрон ушбу маҳаллада олти мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада болалар ва ёшлар учун турли тўғараклар ташкил этилган. Шахмат-шашка, футбол, таэквандо тўғаракларида болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар

яратилган. «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Спорт – соғлик асоси», «Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи» каби мусобақалар ўтказиш анъанага айланган. Маҳалла футбол жамоаси эса шаҳарда ташкил этилаётган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

СУРАТДА: шахмат тўғараги қатнашчиси Самандар Қаҳрамонов.
Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

САҲИФАЛАРДА:



ИЧКИ ИШЛАР ТИЗИМИГА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР

2



«ФУСУНКОР»НИНГ ФУСУНКОР МАҲСУЛОТЛАРИ

4



ЕТТИ ҲАҚИДА ЕТТИ МИСОЛ

8

Сурхондарё вилояти

БОҒДОРЧИЛИК

СУРХОН БОҒЛАРИДА ИШ ҚИЗҒИНИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ СОҲИБКОРЛАРИ 2011 ЙИЛДА 215 ГЕКТАР МАЙДОНДА ЯНГИ БОҒЛАР БАРПО ЭТИБ, УЛАРНИ АГРОТЕХНИКА ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ПАРВАРИШЛАШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИ. ЖОРИЙ ЙИЛДА УШБУ БОҒЛАРДАН ДАСТЛАБКИ ҲОСИЛ ЙИҒИБ ОЛИНАДИ.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 9 январда қабул қилинган “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони сарҳосил боғлар яратиш, узумзорларни кенгайтириш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини кўпайтириш ва қайта ишлаш борасидаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бойсун, Узун, Сарюсий, Денов, Олтинсой, Қумқўрғон туманларида ташкил этилган интенсив боғларда ўндан ортиқ навли сарҳосил олма ва олуҳи нихоллари бараваж ривожланмоқда. Аини кунларда боғбонлар кўчатларга шакл бериб, тагини юмшатаётир, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклантирмоқда.

Олма кўчатларининг сарҳосиллиги ва меваси сифатлиги бизда катта қизиқиш уйғотди, – дейди Сарюсий туманидаги “Дашнабод боғлари” фермер хўжалиги раҳбари Абдуғаффор Аҳмедов. – Утган йили банк кредити ёрдамида ўн гектар майдонда интенсив олма боғи барпо этган эдик. Маҳаллий иқлимга тез мослашган кўчатларни мутахассислар тавсияси асосида парваришлаб, тўлиқ қўқартириб олдик. Бу йил янги боғ ҳосил беради. Баҳорнинг дастлабки кунларидан боғбонларимиз яхши ниятлар билан барча юмушларни белгиланган муддатларда сифатли амалга оширмоқда. Ҳосилни баҳорнинг дўл ва кучли ёмғирдан, ёзнинг жазирама тафтидан сақлаш мақсадида турли пардалар қоплади.

Бу усул ҳосилнинг бир текис пишиб етилишини, харидорчилигини таъминлайди. Жорий йилда ҳар гектар майдондан ўртача уч-беш тонна олма йиғиб олиш мўлжалланмоқда. Келгуси йил ҳосилдорлик янада ошади. Хўжалиқда етиштирилган ҳосилни қиш мавсумида сифатли сақлаб, арзон нархларда аҳолига етказиб бериш учун 500 тонна сигимга эга мева-сабзавот сақлаш омбори барпо этиш режалаштирилмоқда.

Сарюсий туманида 50 гектар майдонда хориж технологияси асосида интенсив боғ парвариш қилинмоқда. Паст бўйли олма кўчатларининг тез ривожланиб, эрта ҳосилга кириши туман боғбонларида катта қизиқиш уйғотаётир. Шу боис, бу йил яна 20 гектар майдонда интенсив боғ яратишга ҳозирлик қўрилоқда.

Боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган Олтинсой тумани соҳибкорлари ўтган йили 941 гектар майдонда сарҳосил мева етиштириб, 7 минг 400 тоннадан ортиқ ҳосил йиғди. Жорий йилда 68 гектар майдонда парваришланган интенсив боғларнинг ҳосилга кириши билан мева етиштириш ҳажми янада ошди. Тоғли тумандаги “Субтропик экинлар илмий-амалий маркази” унитар корхонаси боғбонлари ҳам ўн гектар майдонда паст бўйли олма кўчатларини меҳр билан парвариш қилмоқда. Ноанъанавий субтропик экин кўчатларини кўпайтиришга ихтисослашган унитар корхонадан олинган маълумотларга кўра, аини пайтда хориж технологияси асосида яратилган интенсив олма боғларида дала ишлари қизғин паллага кирди. Мустаҳкам оила йилида янги боғларнинг ҳосилга кириши туманда сервитамин озик-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини сезиларли даражада оширади. Сифатли маҳсулотнинг эҳтиёждан ортиқ қисмини хорижга экспорт қилиш имконияти юзага келади.

Қумқўрғон туманидаги “Чорвадор” фермер хўжалигида парваришланаётган олти гектар интенсив боғда ўнга яқин тажрибали соҳибкор меҳ-

нат қилмоқда. Улар баҳорнинг илк кунларидан янги боғлар парваришига эътиборни кучайтирмоқда.

Паст бўйли олма кўчатлари ҳозирги мевали дарахтларимизга нисбатан анча сарҳосилдир, – дейди фермер хўжалиги боғбони Абдуқодир Муҳаммадиев. – Кўчатлар экилган дастлабки йилдаёқ кийфос гуллаб, ҳосил нишонларини кўрсатди. Бирок хорижлик ҳамкорларимиз тавсияси билан кўчатлардаги ҳосил нишонлари тўқиб ташланди. Баҳор келиши билан янги боғимиз уйғониб, қуртак ёзмоқда. Олма-лар гуллагунга қадар барча агротехник тадбирларни сифатли бажаришга ҳаракат қилмоқдамиз. Мевани баҳор фаслида дўл ва кучли ёмғирдан, ёзда қуёш нуридан сақлайдиган махсус турли пардалар қопланди. Кўчатлар таги юмшатилиб, озиклантирилаётир. Дарахтлар шакл берилиб, ортиқча навалари олиб ташланмоқда.

Хориж технологияси асосида барпо этилган интенсив боғларнинг ҳосилга кириши аҳолини сифатли ва арзон озик-овқат маҳсулотлари билан узлуқсиз таъминлаш ва эҳтиёждан ортиқча йиғиб олинган ҳосилни хорижга экспорт қилиш имкониятини янада кенгайтирмоқда. Жумладан, ўтган йили вилоят соҳибкорлари мавжуд майдонларда маҳаллий мева дарахтлари парваришланаётган боғлардан юз минг тоннадан ортиқ олма, анор, хурмо, гилос ва бошқа сервитамин маҳсулот йиғиштириб олди. Жорий йилда интенсив боғларнинг ҳам ҳосил бериши натижасида 124 минг тоннадан зиёд сархил мева етиштириш режалаштирилмоқда. Жорий йилда ҳам воҳанинг тоғли ва тоғолди туманларида 200 гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар ташкил этилаётгани келгусида бозорларимизнинг янада арзон, дастурхонларимизнинг тўқин-сочин бўлишига хизмат қилади.

Ҳолмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

«БИЗ – БИР ЖАМОА, БИЗ – БИР ОИЛА»

Нукусда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази ва “Аёллар кенгаши” жамоат бирлашмасининг “Биз бир жамоа, биз – бир оила” акцияси бўлиб ўтди.



Оролбўйида ташкил этилган акция “Ёшлар ташаббуслари форуми” билан бошланди. Унда Савдо-саноат палатаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, тижорат банклари вакиллари, олий ва ўрта махсус ўқув юртли раҳбарлари, ёш тадбиркорлар, иқтидорли талаба-ёшлар иштирок этди.

Акция доирасида ташкил этилган матбуот анжуманида ўтказилаётган ушбу тадбирдан қўзланган мақсад ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, айниқса, чекка қишлоқларда яшовчи ёшларнинг маҳорат ва иқтидорини юзага чиқаришдан иборатлиги таъкидланди.

Акция доирасида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 3-академик лицейда Нукус, Тахиятош шаҳрлари, Кегайли, Нукус, Хўжайли туманлари бандликка кўмаклашувчи марказлари билан ҳамкорликда “Таълим ва карьера” кўргазмаси ташкил этилди. Унда 182 та корхона, ташкилот ва муассаса 627 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбир давомида 500 нафардан зиёд ёшларга ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

“Ёш веб-дастурчилар мактаби”, “Соғлом ёшлар акцияси”, “Хорижий тиллар ва ижтимоий фаоллик” мавзуларидаги тренингларда, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази ҳаракат дастури асосида фаолият олиб бораётган “Дилемма” мунозара клуби танловларида ёшлар фаол иштирок этди. Шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга йўналтирилган марафон ҳам барчада катта қизиқиш уйғотди.

Бундан ташқари, тадбир доирасида “Ёшлар журналистикаси тараққиёти” мавзусида тренинг, “Хаёт учун” марафони, таълим муассасаларида “Келажак овози” танлови ахборот акцияси ҳам ўтказилди.

Тадбир эстрада юлдузлари, хонандалар, “Нихол” мукофоти совриндорлари, “Келажак овози” танлови ғолиблари, “Янги авлод” болалар ижодий фестивали лауреатлари иштирокидаги гала концерт билан якулланди. Тадбир давомида фаол иштирок этган ёшлар ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.
Арслон КАННАЗАПОВ (ЎзА) олган сурат.

ИЧКИ ИШЛАР ТИЗИМИГА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги академиясида Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсининг навбатдаги битирувчиларига тантанали диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.



Унда ички ишлар идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, битирувчиларнинг яқинлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур муассасада курсантларга ҳазони икром этиш, ёнғич хавфсизлиги, йўл-патруль, патруль-пост хизмати, хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, қўриқлаш каби соҳалар бўйича билим берилади, зарур амалий кўникмалар шакллантирилади. Бунинг учун академияда барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, техника воситалари билан таъминлан-

ган ўқув-дала машқ майдонлари мавжуд. Замонавий компьютер ва лингафон, спорт машқлари олиб бориш хоналари курсантлар ихтиёрида. Бу ерда ўқитишнинг энг самарали усуллари, хусусан, мультимедиа ва замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Натижада ички ишлар тизимига дунёқароши кенг, ҳам жисмонан, ҳам маънаван яхши шаклланган, замонавий техникани бошқара оладиган малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирли, генерал-лейтенант Б.Матлюбов, академия бошлиғи, полковник Ш.Икромов, Сер-

жантлар таркибини тайёрлаш олий курси бошлиғи, полковник С.Тангирбердиев ҳамда битирувчиларнинг ота-оналари ва бошқалар Ички ишлар тизими давлатимиз раҳбари томонидан қаратилган алоҳида эътибор туфайли самарали фаолият юритаётгани, мамлакатимиз тинчлиги ва оқойишталлиги, аҳоли хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаяётганини таъкидлаб, курсантларни ўқишни муваффақиятли تامомлагани билан муборакбод этдилар.

Сардорбек МЎМИНОВ,
ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси инспектори.

ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСТИҚБОЛ ТАМОЙИЛАРИ

Пойтахтимизда “Минерал ўғитлар ва уларга оид соҳалар халқаро бозорининг бугунги аҳволи ва ривожланиш тенденциялари” мавзuida минтақавий конференция бўлиб ўтди.

— СЎЗ — МИНТАҚАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА —

Люк МАН, Минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчилар халқаро уюшмаси (IFA) бош директори (Франция):

— Мазкур йирик конференция Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонда ўтказилаётгани катта аҳамиятга эга. Мамлакатингиз Марказий Осиёда муҳим ўринга эга ва дунёнинг жадвал ривожланаётган давлатлари қаторидан мустақам жой олган. Ўзбекистонда саноатнинг барча соҳаларини тараққий эттириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган изчил ишлар бераётган юксак самаралар таҳсинга лойиқ. Ўзбекистон — ҳар томонлама истиқболи порлоқ давлат. Мамлакатингиз табиий ресурсларга бой. Улардан оқилона фойдаланиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, қатор лойиҳалар диққатга сазовордир.

1927 йилда ташкил этилган уюшмаимизга 86 мамлакатнинг беш юздан зиёд ташкилоти аъзодир. Уюшма минерал ўғитларнинг барча турларини, хомашё ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, агрохимиквий тадқиқотлар олиб бориш, ушбу йўналишда мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланади. Мазкур минтақавий анжуман иштирокчиларга ҳақон кимё саноати соҳасидаги сўнгги тенденциялар, янгиликлар, амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар билан танишиш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини беради.

Ўзбекистонда кимё саноатини барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, энергияни тежайдиган ҳамда экологик тоза технологияларни жорий этиш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини беришмоқда.

Ки Минх ТРАН, “Petrovietnam Fertilizer & Chemicals” корпорацияси бош директорининг ўринбосари (Вьетнам):

— Ўзбекистонда кимё саноати юксак суръатларда ривожланмоқда. Мамлакатингизда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, бу борадаги илмий тадқиқотлар қўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бунинг натижасида фойдали қазилма майдонлари сони ва тури тобора кўпайиб бораётган.

Ўзбекистонда саноат аҳамиятига эга минерал хомашё базасини ривожлантириш, рудали ҳудудларни тадқиқ қилиш, захираларни аниқлаш ва геология-қидирув ишларига замонавий технологияларни жорий этиш устувор вазифалардан этиб белгиланган. Бу, ўз навбатида, соҳа илм-фани ва олимлари зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Шу боис, мазкур минтақавий конференция дунёнинг қўллаб мамлакатларидан келган олим ва мутахассислар, экспертларнинг бу борадаги излаишлари, кашфиётлари ва хулосаларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Аҳмад Монем Ал БЕСТАВИЙ, “Qatar Fertilizer” компанияси департаменти раҳбари (Катар):

— Қирқ уч йилдан буён фаолият юритиб келаётган компаниямиз аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Минерал ўғитлар орасида асосий маҳсулот бўлган аммиак ишлаб чиқаришни кўпайтириш дунё кимё тармоғининг янги марраларни забт этишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ташрифимиз доирасида “Ўзкимёсаноат” фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлганимдан мамнунман. Мазкур компаниянинг сармояларни жалб қилиш бўйича олиб бораётган фаолияти диққатга сазовор. Жумладан, сезиларли даражадаги энергия тежамкорлигига эришган ҳолда юқори унумдорликни таъминлаш ҳисобидан аммиак ишлаб чиқариш бўйича йирик тоннажи агрегатларни модернизациялаш ва қайта таъмирлаш бўйича изчил ишлар олиб бораётгани эътиборга молик.

ЎЗА

Минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчилар халқаро уюшмаси (IFA) томонидан «Ўзкимё-саноат» давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур форумда дунёнинг 30 мамлакатидан минерал ўғитлар, тегишли хомашё ва соҳага оид бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ҳамда етказиб берадиган йирик компаниялар вакиллари, ушбу бозорнинг барча бўғинларини ўрганиш билан шуғулланадиган етакчи мутахассислар иштирок этди.

Мазкур форумни ўтказишдан мақсад — минтақавий ва ҳақон минерал ўғитлар бозорларидаги замонавий тенденциялар, шунингдек, ушбу саноат тармоғида ишлаб чиқариш ҳамда экологик хавфсизлик масалаларини муҳокама қилишдан иборат.

Конференциянинг айнан Тошкентда ўтказилгани Ўзбекистон минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни экспорт қилиш соҳасида ҳақон ҳўжалик муносабатлари, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа қўллаб йўналишларининг муҳим ва фаол иштирокчиси эканидан далолатдир.

Ўзбекистон кимё саноатини ривожлантириш учун барча зарур ресурсларга эга. Мавзудай йирик хомашё конлари «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг халқаро стандартлар даражасида тайёргарликдан ўтган малакали мутахассислар меҳнат қилаётган замонавий, юқори технологик корхоналари томонидан қайта ишланмоқда. Компания ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар микдори ва турлари бўйича Марказий Осиёда етакчи ўринда туради. Минтақада аммиак, карбамид, аммиак селитраси, сульфат аммоний, аммофос, нитрофос ишлаб чиқариш бўйича йирик компаниядир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида соҳада кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Юртбошимизнинг 2007 йил 27 июлда қабул қилинган қарори би-



лан тасдиқланган 2007-2011 йиллар мобайнида кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурини амалга ошириш жараёнида соҳада катта ўзгаришлар рўй берди. Фаолият курсидаётган ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, энергия ва ресурс тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳисобидан уларнинг таннархини камайтириш, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлатиш кўпайтиришга доир ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 11 мартда қабул қилинган «Кимё саноати корхоналари қурилишини жаддалаштириш ва янги турдаги кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси корхоналарида карбамид-аммиак аралашмаси, зичлиги паст аммоний нитрати, натрий нитрати, тринатрийфосфат, озукда фосфати, аммиак ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун катализаторлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрда имзоланган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг

устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори соҳа корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар турларини янада кенгайтириш ва унинг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. 2011 йил якунлари бўйича компания корхоналарида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 106,3 фоизни ташкил қилди. Маҳсулот экспорти 10,8 фоизга кўпайди. Мамлакатимиз Инвестиция дастурига қиритилган инвестицион лойиҳалар доирасида қиймати 57,7 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Айни пайтда қатор янги лойиҳалар, жумладан, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, Деҳқонбод калий ўғитлари заводи қувватини оширишга доир лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон кимё саноати корхоналарида хавфсизликни, шу жумладан, ишлаб чиқариш ҳамда тайёрланаётган маҳсулотнинг экологик хавфсизлигини оширишга катта эътибор қаратишмоқда. Мисол учун, халқаро ҳамжамият томонидан қўлланилаётган Соф ривожланиш механизми доирасида бужона газлари чиқарилишини камайтиришга қаратилган олти лойиҳа ҳаёта таътиб этилмоқда.

Ўзбекистон тўғрисида юксак савияда ташкил қилинган ушбу форум ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш йўналишларини белгилаб олиш имконини беради.

▼ МАТБУОТ АНЖУМАНИ

ТЎҚИМАЧИЛИК МАШИНАСОЗЛИгини РИВОЖЛАНТИРИШ БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАСИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Ўзбекенгилсаноат” компанияси томонидан тўқимачилик машинасозлигини ривожлантириш ва енгил саноатда инвестицион лойиҳаларни амалиётга жорий этиш борасида олиб борилётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда таъкидланганидек, “Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари йилдан-йилга ортиб, кенг турдаги ип-калава, газлама, тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари билан бирга тиббиёт ва махсус кийимлар ишлаб чиқариб, аҳоли эhtiёжлари таъминланмоқда.

Мустақиллик йилларида Германия, Швейцария, Италия, Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Хиндистон ва бошқа қатор давлат инвестициялари иштирокида 150 корхона ташкил этилди. 2008-2011 йиллар давомида 450 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестициялар жалб этилди.

Жорий йилнинг охиригача 20 дан зиёд умумий қиймати 150 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши режа-

лаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 21 февралдаги қарорига мувофиқ Швейцариянинг “Ритер-машиненфабрик АГ” компанияси билан 3,8 миллион АҚШ долларига тенг тўқимачилик машинасозлигини ривожлантиришга қаратилган лойиҳа ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳада рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни жиҳозлаш учун тараш ва йиғириш машиналарини ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Ҳозирда Тошкент шаҳрида “Ритер Ўзбекистон” чет эл корхонаси ташкил этилди, унинг биринчи босқичи 2012 йилнинг 2-чорагидан ишга туширилади.

Кореянинг “ТМС” ва Германиянинг “Террот” компаниялари билан пайпоқ ва трикотаж мато тўқиш автоматлари-

ни йиғиш бўйича келишув имзоланди. Бу лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида 5,5 миллион АҚШ доллардан зиёд чет эл инвестициялари ўзлаштирилади.

“Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналарида ишлатиладиган технологик дастгоҳлардан самарали фойдаланиш мақсадида “Трючлер”, “Серликон текстиле” (Германия), “Ритер” (Швейцария), “Марцоли” ва “Савио” (Италия), “Тойота” (Япония) компаниялари технология усуналарини таъмирлаш ва сервис хизмати кўрсатиш марказлари ташкил этилган.

“Ўзбекенгилсаноат” компанияси тизимидаги корхоналар 2009 йилда 257,4 минг тонна толани қайта ишлаган бўлса, бу йил 390 минг тонна толани қайта ишлаш қувватига эга бўлганининг ўзи соҳадаги ислохотларнинг изчил амалга оширилаётганлигидан далолат бериб турибди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2000 йилда бор-йўғи 5 фоиз тайёр маҳсулот экспорт қилинган бўлса, 2011 йилда тайёр маҳсулот экспорти ҳажми

35 фоизни ташкил этди.

Матбуот анжуманида компаниянинг келажақдаги режалари хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, инновацион фаолликни ошириш, илмий имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, кимё саноати, машинасозлик тармоқлари билан ҳамкорликда янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва шу асосда тўқимачилик машинасозлигини ривожлантириш, маҳаллий хомашёларни қайта ишлаш даражасини ошириш ҳамда рақобатбардош тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспорт ҳажмини ва ички бозорни тўлдирини кескин юксалтириш, ёш кадрларни тўқимачилик машинасозлигини ривожлантиришдаги инновацион жараёнга жалб этган ҳолда тўқимачилик саноатини республикада етакчи тармоққа айлантириш белгиланган.

Анжуман сўнгида ОАВ ходимлари ўзларни қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Аҳмадjon РИХСИБОВ, “Qishloq hayoti” муҳбири.

Жиззах Вилояти

ЭНДИ СУВ УЧУН БУЛОҚЛАРГА БОРИШ ШАРТ ЭМАС

Одатда чанқаб турган ёши улугроқ кишиларга сув узатганмизда, улар бизни «Сувдай сөрөб бўлинг!» деб олқишлайдилар. Бунинг замирида обиҳаёт учун миннатдорчилик билан бирга «Умрингиз зиёда бўлиб, серфарзанд, сердавлат яшанг!» деган тилак ҳам мужассам. Шу нуқтага назардан, Жиззах вилояти «Сувоқова» бошқармаси жамоаси олқиш олиб, касбидан мамнун яшаётган кишилардандир.

Негаки, улар ўтган йилнинг ёздан то ҳозирги кунгача 2 миллиард 700 миллион сўмлик 81 километр ичимлик суви узатиш тармоқлари қуриб, вилоятнинг 21 та чекка қишлоқ ва маҳаллаларида яшовчи 41 мингдан зиёд аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминладилар. Шу билан бирга, 18 километрдан зиёд эски тармоқлар муҳамал таъмирланиб, 12 та янги тик қудуқ қазилди. Ушбу қудуқлар ишга туширилган, вилоятдаги жами тоза ичимлик суви олинаётган қудуқлар сони 154 тага етказилди. Натижада йил давомида аҳоли, корхона ва ташкилотларга етказиб берилган сув ҳажми бурноги йилги 11,7 миллиард метр кубдан 13,2 миллиард метр кубга кўтарилди.

Айни пайтда вилоятнинг 75 минг 795 хонадони қатори 225 та ишлаб чиқариш ва 830 та машиий хизмат кўрсатиш корхонасига сув етказиб берилмоқда. Вилоят «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси жамоаси сув узатишда узилши ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўраётир. Бунинг учун 73 та сув тарқатиш иншоотининг барчаси икитадан юқори қувватли электр насослар билан таъминланиб, 31 минг 300 дан зиёд хонадонлардаги сув узатмаларига ҳисоблагичлар ўрнатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бошқарма жамоаси Юрбошимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича вилоятнинг 19 та массивида бунёд этилган 360 та намунавий уй-жойларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам алоҳида иш-

лар олиб боришяпти. Жумладан, улар учун 5 та тик қудуқ қазилиб, 14 километрдан зиёд сув узатиш тармоқлари қурилди. Айни пайтда яна 3 та шундай қудуқ қазилди ва 7 километр узатиш тармоқлари қуриш ишлари давом эттирилмоқда.

— Вилоят ҳокимлигининг қурилиш бўйича ягона буортмачиси — инжиниринг компанияси мутахассисларига раҳмат! — дейди бошқарма бошлигининг алоҳида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўринбосари Парда Шукуров. — Уларнинг сарф-ҳаракатлари туфайли Бахмал туманининг Қирқ-қишлоқ, Музбел, Галлаорол туманининг Қизилқўрғон, Хонқа, Аламли, Жиззах туманининг Гандумтош, Умар, Қорасийрак, Зомин туманининг Сирғали, Хайитултепа, Каримсой, Зафаробод туманининг Тинчлик, Бирлик, Пахтакор туманининг Пангат, Олмали, Янгиобод туманининг Қўриқ, Сайдон қишлоқлари аҳолиси учун сифатли сув тармоқлари, тик қудуқлар ва мустаҳкам сув миноралари қурилиб, ишга туширилди. Жиззах туманининг Тўқли, Зомин туманининг Қўрғон, Зарбдор туманининг Янгиқент ва Янгиобод туманининг Жўлангир қишлоқларида жами 15 километрдан ортиқ эски сув узатиш тармоқлари реконструкция қилиниб, қудуқ қазилди ва 6 та юқори қувватли сув насосларини ҳаракатлантирувчи алоҳида трансформатор ўрнатилди. Эндиликда мазкур қишлоқлар аҳолиси тоза ичимлик суви истеъмол қилаётганларидан беҳад мамнун.

— Биз ҳам ниҳоятда хурсандимиз! — дейди Бахмал туманидаги Қирққишлоқ қишлоғи оқсоқоли Келдибек Тўйчиев. — Шу кунгача аҳолимиз булоқлардан сув ташви ичарди. Инжиниринг компанияси ходимларининг кўмаги туфайли қишлоқ



аҳолисининг булоқ сувидан тежамкорлик билан фойдаланишлари таъминланди. Энди уй бекалари сув учун булоқларга бормай, ўз ҳовлиларидаги жўмраклари бурашадию керагича олаверишади. Сувдай сөрөб бўлишининг барча қурувчилар!

Дарҳақиқат, вилоят қурувчилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 апрелдаги қарори ва вилоят Манзилли дастури асосида йил охиригача 54 километр янги ичимлик суви тармоқлари қуриш, 16 километр носоз тармоқларни қайта қуриш, 15 та тик қудуқ қазилди, 8 та тик қудуқни тозалаш, 8 та сув минораси ва 7 та обиҳаёт саклаш иншоотлари барпо этиш ишларига киришилган. Бу ишлар поёнига етгач, жорий йил охирига бориб, яна 49 та қишлоқнинг 50 мингга яқин аҳолиси ичимлик суви билан таъминланади. Вилоят обиҳаёт таъминотчилари қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш каби зғу мақсадларга муносиб ҳисса қўшишяпти. Зеро, сув келтирмоқ савобдир.

Келдиёр ЖўРАКУЛОВ,
«Qishloq hayoti» муҳбири.

Навоий Вилояти

Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасида «Навоийазот» ОАЖ таъсисчилигида амалга оширилаётган лойиҳалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот тури ва сифатини ошириш имконини бермоқда.

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Хусусан, йилга 3,038 миллион донна косметик маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга «Navoiy-Beauty Cosmetics» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасида лойиҳанинг биринчи босқичи яқунланди. Айни пайтда бу ерда 18 турдаги маҳсулот тайёрланапти. Мазкур лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида қиймати 266,106 минг долларга тенг технология ускуналар ва лаборатория жиҳозлари келтирилиб ўрнатилди.

Умумий қиймати 3,784 миллион долларга тенг яна бир лойиҳа асосида ташкил этилган «Navoiy Hunan Pulp» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси йилга 240 миллион донна болалар таглиги ва бошқа гигиеник маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Зарур шароитларни яратиш ва замонавий муҳандислик инфратузилма биноларини қуришда «Навоийазот» ОАЖ асосий таъсисчи сифатида фаол иштирок этди. Корхонага келтирилган юқори технология ускуналар тўла қувват билан ишга туширилди. Ҳозиргача бу ерда 800 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришилди. Шунингдек, 2012 йилда экспорт ҳажмини янада ошириш режалаштирилган.

Маърифат ШАРИПОВА

Андижон Вилояти

▼ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ АСОСИДА

«Фусункор»нинг фусункор маҳсулотлари

Мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб борилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Ҳар йили пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да ўтказиб келинаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа савдолари бу борада ишбилармонларга мадад бўлаётир.

Собиқ Андижон бадий кулол-шиша тажриба заводи негизда ташкил этилган «Фусункор» мансулияти чекланган жамияти ҳам ана шу маҳаллийлаштириш дастури асосида фаолияти ривожланиб бораётган корхоналардан бири. Бу ерда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш ҳажми йил сайин ортиб бораётир. Энг муҳими, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар буортмачилар талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланмоқда.

Сопол ва шиша буюмлар тайёрлашда муайян тажрибага эга корхона муҳандислари, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда энергетика тизими учун маҳсулотлар тайёрлашга бир муддат тайёргарлик кўришди. Корхонада Германия технологиясига мансуб печлар бор эди. Бу ишни ташкил этишда, корхонани оёққа турғазида кўмакчи бўлишини муҳандис Улуғбек Содиков аглаб етди. Ангренда каолин конининг ишга туширилиши, «Андижон кабел» корхонасининг фаолияти назардан ўтказилди. Демакки, шунга мос маҳсулот тайёрлашни бошлаш керак, маҳаллийлаштириш зарурлиги ҳисоб-китоб қилинди.

Шундай қилиб, энергетика тизимида ишлатилаётган жиҳозларнинг авари ҳолатларини қамайтириш ва қуйишининг олдини олишга хизмат қила-

диган ҳимоя воситаларининг тажриба намуналари тайёрланди. Улар вилоят электр тармоқлари корхонаси директори Тоҳиржон Йўлдошев. — «Фусункор»да конвейер асосида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилгунга қадар жуда кўп синов ўтказилди. Уларда биз ҳам иштирок этдик. Соҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари, синов натижалари синчковлик билан ўрганилди. Қатъий ҳулосадан сўнггина буюртмага асосан маҳсулот тайёрлана бошланди. Бугунги кунда корхона «Ўзбекэнерго» ДАК тизимидаги корхоналарнинг яқин ҳамкорларидан бирига айланди. Аниқроқ қилиб айтсак, айни пайтда тизимдаги 17 та корхона «Фусункор»нинг доимий миқозиди.

2011 йилнинг 25-29 октябрь кунлари бўлиб ўтган V Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада «Фусункор» МЧЖга «Ўзбекэнерго» ДАК тизимидаги корхоналардан 841 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш бўйича буюртма тушди. Айни кунларда ушбу буюртмага асосан 7 турдаги юқори



СУРАТДА: «Фусункор» мансулияти чекланган жамияти ишчиси Барно Зокирова. **Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎЗА) олган сурат.**

ва паст кучланиши сақлагичлар, қўчириб юритилувчи ерга улаш мосламалари, контактлар, штангалар, изолятор каби маҳсулотлар тайёрланмоқда.

— Маҳаллийлаштириш дастури корхонамиз учун кенг имкониятлар яратмоқда, — дейди бош муҳандис Бобуржон Саидов. — Маҳсулот тайёрлаш учун керакли хомаш ётарли. Маҳсулотларимизнинг доимий харидорлари бор. Маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритишимиз ҳисобига солиқ юки анча қамайди. Натижада бундан қарийб 200 миллион сўм қўшимча маблагга эга бўлдик. Ушбу маблагнинг барчаси корхонани ривожлантиришга йўналтирилди. Жорий йилда маҳаллий-

лаштириш дастури асосида яна икки турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Корхона Хакан қишлоғида жойлашган. Бу ерда 70 нафар киши меҳнат қилляпти.

Керамика ва чинни жиҳозлар тайёрлаш ҳадисини олган жамоада янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамият қошида иктисослашган «Мадаждор Энергия» шўба корхонаси ташкил этилиши натижасида 17 янги иш ўрни яратилди. Йил охиригача яна 30 иш ўрни яратиш мақсад қилинган.

Кобилжон АСҚАРОВ,
«Qishloq hayoti» муҳбири.

ҚАНОТЛИ ҲИМОЯЧИЛАРИМИЗ

Тунда ҳаёт кечирувчи митти кўршапалакларнинг узунқулоқ, малла ва мўйдор турлари мавжуд бўлиб, улар кўриниши билан киши диққатини ўзига жалб қилади. Жумладан, узунқулоқ кўршапалаклар танасидаги қуюқ сарғиш жуни, панжаларидаги узун тирноғи ва ўткир тишлари билан ҳайратланарлидир. Бу галати жониворларнинг кичик кўзлари кундузи ҳам, кечаси ҳам яхши кўрмайди, лекин эшитиш аъзолари яхши ривожланган.

Нурота тоғ тизмалари бўйлаб тобора юқорига кўтариларканмиз, Қўйтош кончилар шаҳарчасини кўраб олган баланд ва тик қоялар қаъридан қазиб олинган маъдан бойликлари ўрнида ҳосил бўлган бўшлиқдан эндиликда бир неча горлар вужудга келганлигининг гувоҳи бўлдик. Уларни макон қилган узунқулоқ кўршапалак ҳамда япалоққушларнинг бир қанча турлари бизни кўпдан қизиқтириб келарди.

Ушанда баҳор нафаси уфуриб, қулар исий бошлаган, атроф ям-яшил либосга бурканётган палла эди. Турли хил гул ва чечаклардан таралаётган хушбўй хиддан бахридилимиш очилиб, кўнглимиз равшанлашди. Гурӯҳ раҳбаримиз етакчилигида чуқур сой ёқалаб гор томон йўл оларканмиз, жарликдан кўк қарғалар учиб чиқа бошлади. Баланд қоянинг қуёш нури тушиб турган ён томондаги инлардан дам бўйинини чўзиб, дам харсанг бағирлаб ётиб олган бойўғиллар кўзга ташланиб қоларди.

Пешиндан сўнг тор туйнук орқали горга тушиш, гаройиб узунқулоқ кўршапалакларни кузатиш истаги бизни янада гайрат-шижоатга ундарди. Маълумки, кўршапалаклар эхолокация, яъни ультратовуш тўлқинлари ёрдамида самодан мўлжал олиб, товуш тўлқинларини таратишади. Эшитиш органи яхши ривожланганлиги учун унган вақтида ана шу тўлқинлар худди акс-садо сингари нарса ва жисмлардан қайтиб, уларнинг мўлжал олиши учун имкон беради. Бундай товуш тебранишлари бизга сезилмайди, албатта.

Қуёш уфққа бош кўйгач, чор-атроф бир зумда қоронғилашди. Гурӯҳимиз аъзолари елкасига юк халта осганича фонар ва машъалаларни ёқиб гор ичкарига охишта кира бошлашди. Пастак йўлнинг биринчи бурилишидан кейин пирлаган қанот товушлари эшитилди ва бошимиз узра кўршапалаклар бирин-кетин учиб чиқа бошлади. Мен уларнинг қанот қоқиши, беўшов чийиллаши ва нафас олишидан қаерда жойлашганини билиб олмоқчи бўлдим. Гор ичи бутунлай зимистон бўлиб, тун билан куннинг фарқи деярли сезилмасди. Шошганимдан перешом билан қаршимдаги дўнгликка урилиб ўтириб қолдим. Нафасимни ростлаб



олгач, фонар ёруғида гор гумбазини кузатишга киришдим. Кўршапалакларнинг аксарияти туйнукдан учиб чиқишга улгурганди.

Эндигина киш уйқусидан уйғонган узунқулоқ кўршапалакларнинг бир қисми эса гор шифтининг қўл етмайдиган жойларига осилганича кенг қанотларини ростлаб учишга хозирланарди. Уларни соатлаб кузатсангиз ҳам зерикмайсиз. Бу гаройиб жониворлар киш бўйи танасида тўпланган ёғ захиралари ҳисобига яшаб, аста-секин ғимиллашга тушиб қолганди. Уйқуси зийраклигидан қанотларини тез-тез қоқиб кўярди. Беўшов чийиллаши, чуқур нафас олиши ва кичик кўзлари билан тикилгандай туриши бизга галати туюлди. Гор шифтида уларнинг гуҷ-гуҷ бўлиб осилиб туришидан худди сеҳрлангандек жойимизда қумирламасдан туриб қолдик. Атрофдаги ёқимсиз қўланса хиддан кўнглимиз беҳузур бўлиб кетди. Суварак ва капалаклар ҳам беҳисоб. Қоронғи ертўла бу антиқа жониворларнинг яшаш жойи ҳисобланиб, юқоридан тушган чиқиндилар билан озикланади. Уларнинг бундай шароитда қандай яшашини ақлингга сиғдиролмайсан, киши.

Гуруҳимиз аъзолари ичкари томон одимлагани сайн гор саҳни тобора кенгайиб борарди. Бейхтиёр деворлардаги жимжимадор шаклларга кўзимиз тушди. Улар ер ости қазилма бойликлари қолдиқларидан ҳосил бўлган, деган тўхтамага келдик. Айрим йўлаклар худди қувурдек номаълум томонга чўзилиб кетганди. Базан тор, энсиз ёрқлардан сиқилиб ўтишимизга тўғри келди.

Мақсадимиз мазкур кўршапалакларнинг тор туйнукдан учиб чиқиши-ю қайтиши, яшаш тарзи ҳамда тахминий сонини аниқлашдан иборат бўлганлиги учун иккинчи кун қуёш ботмасданок гор оғзига яқинроқ бўлган жойга ўрнашиб олдик. Бирпасда атрофга қоронғилик чўкиб, митти

жониворлар тор туйнукдан қанот қоқиб чиқа бошлади. Баъзилари эса бизни чалғитмоқчи бўлиб бошпанасидан учиб чиққан заҳоти яна ортига қайтар, бошқалари бесаранжом бўлганидан гор шифтининг энг баланд жойига осилиб оларди. Чуқур ёриқ ва тирқишларга кириб яширинишга уринаётганларини ҳам кузатиш мумкин эди. Бу чаққон қўлқанотли кўршапалаклар кўп сонли бўлганлиги учун озуқага тўймасди. Улар ерга яқинроқ бўлган ҳашаротларни тутиб, озуқа тополмаганлари эса бепоев қир-адирларга ошиқарди.

Маълумотларга кўра, ушбу жониворлар асосан бог ва экинзорларга зиён етказадиган тунги капалаклар билан озикланишни хуш кўради. Шунингдек, пашша, чигиртка, ниначи, кўнғиз, гул нектарларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди.

Қизиқарли кечган саёҳатимиз давомида вақт ўтиб йиғилиб қолган кўршапалаклар ахлатидан маҳаллий аҳоли ўғит сифатида фойдаланиб келаётганидан ҳам хабардор бўлдик. Фосфор ва азотга бой бўлган бу чиқиндилар экинзорлар ҳосилдорлигини оширади, албатта.

Ёз ойлари чаққон узунқулоқ кўршапалакларнинг ови жуда қисқа давом этади. Тонг ёришиб-ёришмай ўз бошпаналарига қайтишга мажбур бўлади. Негаки, улар осмон узра изгиб юрган қора калхат, бургут, узунтумшукли қирғий каби йиртқич қушлар чангалига тушиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

Бу гаройиб мавжудотларни баланд қоя ёнлари, харсанг тошлар оралиги, ёриқлар ва даррахтзорларда ҳам учратиш мумкин. Улар кўп озикланиши керак бўлганлигидан кун ботгач, гира-ширада бог-роғлар, пахта далалари ва экинзорларга ошиқади. Қисқаси, ушбу қанотли ҳимоячиларимиз қишлоқ хўжалигининг кўплаб зараркундаларини йўқ қилиб, катта фойда келтиради.

Абдулла САИДОВ

БАҲОРИЙ ТАОМЛАР КОНИ ФОЙДА

Йилнинг тўрт фаслида таомга ўзига хос таъм бахш этувчи хушбўй кўкатлардан фойдаланамиз. Бу борада ялпиз, исмалоқ, жағ-жағ, отқулоқ каби кўклам кўкатлари инсон организми учун керакли витаминларга жуда бойлиги билан ажралиб туради.

Кўк чучвара

Кўк чучвара қиймаси отқулоқ, жағ-жағ, йўнғичка, шўра, ялпиз, исмалоқ, мо-



мақаймоқ, кашнич, кўк пиёз, оқ пиёз, жизза ёки думба аралашмасидан тайёрланади. Барча масаллик майдалаб чопилади, туз ва қалампир қўшиб аралаштирилади, сўнг қозонда бир оз қовуриб олинади. Тайёрланган кўк қийма хамир жилдларга солиб тугилади ва чучвара каби қайнатилади. Тайёр таом лаганларда юзига сариеғ суртиб дастурхонга тортилади.

Кўк чучваранинг қиймаси учун жами кўкатлардан 1 килограмм пиёз, 1 бог кўк пиёз, 150 грамм думба ёки жизза, 1 ошқошиқ туз ва қалампир; юзига суртиш учун 2 ошқошиқ сариеғ керак бўлади.

Кўк сомса

Сомса учун хамир қориб, ёнгоқдек зувалачалар узиб олинади, жўваланиб бир қаватли жилдлар ясалади. Ҳар бир жилдга ошқуқлардан тайёрланган қийма солиб, ярим ой шаклида сом-



са тугилади. Сомсалар доғланган ёғда қовуриб пиширилади. Кўк сомсанинг қиймасига отқулоқ, шўра, йўнғичка, ялпиз, жағ-жағ ва бошқа хил ошқуқлар, кўк пиёз билан бош пиёз ишлатилади. Ана шу кўрсатилган нарсалар майда чопилгандан кейин туз билан қалампир қўшиб, доғланган ёғда қовуриб олинади. Қиймага пишган тухумни майда тўғраб қўшиб юборса ҳам бўлади.

Сомсанинг хамирига 1 кг. унга 2 стакан сув, 2 чойқошиқ туз керак бўлади. Қиймасига ҳар хил кўкатлардан 2 кг. кетади, 2 бог кўк пиёз ва 4-5 дона бош пиёз, таъба кўра туз ва қалампир олинади. 2 та тухум, қиймани қовуришга 150 грамм сариеғ, сомсани қовуриш учун 300 грамм ўсимлик ёғи олинади. **Гулноза ТУРҒУНБОЕВА тайёрлади.**

Фарғона Вилояти БАЛИҚЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Бу йил Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган 107 балиқчилик фермер хўжалиги томонидан бозорга 1450 тонна парҳез гўшт етказиб бериш мўлжалланмоқда.

Алиқон Абдуразақов — Бувайда туманидаги илгор фермерлардан. У раҳбарлик қилаётган «Ёқуб Али» фермер хўжалиги балиқчиликка ихтисослашган. Бу ерда 17 киши меҳнат қилаётир. Фермер хўжалигига қарашли 30 гектардан зиёд суъний қўлларда балиқнинг сазан, дўнғпешона ва оқ амур турлари парваришланмоқда. Хўжаликда бу йил 25 тонна балиқ етиштириш кўзда тутилган.

М.ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.



○ Футбол

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ УЧУН РАҚИБ ОВРЎПАДАН БЎЛАДИ



Шу йилнинг 27 май кuni Тошкентда Ўзбекистон ва Уммон терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилиши керак эди. Уммон футбол уюшмасининг бу борадаги сўровини Ўзбекистон Футбол Федерацияси 21 март кuni тасдиқлаганди.

Аммо Уммон чемпионати ўйинлари тақвимдаги ўзгариш сабаб, режалаштирилган учрашув бекор қилинган.

Ўзбекистон Футбол Федерацияси интернет тармоғида тарқатган хабарга кўра, ҳозирда 27 май ҳамда 15 ёки 16 августда Тошкентда ўртоқлик учрашувини ташкил этиш мақсадида Европадан рақиб изланмоқда.

Тўртала ўйинда ҳам 3:1

Мамлакатимиз жамоалари Осиё чемпионлар лигаси («Бунёдкор», «Насаф», «Пахтакор») ҳамда ОФК Кубоги («Нефтчи») мусобақасида гуруҳ босқичи 3-тур учрашувларини ўтказди. Қизиги вакилларимиз иштирок этган учрашувларнинг барчасида бир хил — 3:1 ҳисоби қайд этилди. Афсуски, уларнинг иккитасигина биз учун ижобий бўлди.

Осиё Чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Бунёдкор» ва «Насаф» жамоалари ушбу турда меконда тўп суриб, бир хил 3:1 ҳисобида мағлубиятга учради. «Насаф» Катарнинг «Ар Райян», «Бунёдкор» эса Япониянинг «Гамба Осака» жамоасига имкониятни бой берди. «Пахтакор» Тошкентда «Ал Араби» жамоаси билан бўлиб ўтган бахсда ижобий натижага эриша олди — 3:1. Шунингдек, «Нефтчи» ҳам ОФК кубоги гуруҳ босқичининг 3-тури доирасида ўз майдонида Уммоннинг «Ал Аруба» жамоасини қабул қилиб, 3:1 ҳисобидаги ғалабага эришди.

«А» гуруҳидан жой олган «Насаф» ҳисобида учта турдан сўнг 1 очко мавжуд. Гуруҳда «Ал Жазира» (БАА) юз фоизлик натижа кўрсатган ҳолда, 9 очко жамғариб пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ўриндаги «Истиқлол» (Эрон) ҳисобида 4 очко, учинчи бўлиб турган «Ар Райян» (Катар)да эса 3 очко мавжуд.



Кейинги учрашувда «Насаф» 18 апрель кuni ўз майдонида Катарнинг «Ар Райян» жамоасини қабул қилади.

«Е» гуруҳида иштирок этаётган «Бунёдкор» ҳам 3 очко билан сўнгги поғонани эгаллаб турибди. Ундан бир поғона юқоридаги «Гамба Осака» (Япония) жамоасида ҳам шунча очко мавжуд. Биринчи ҳамда иккинчи ўринларни банд этган «Похан Стилсерс» (Жанубий Корея) ва «Аделаида Юнайтед» (Австралия) жамоалари эса 6 очкодан жамғаришган. Кейинги учрашувни «Бунёдкор» ҳам 18 апрель кuni ўз майдонида Япониянинг «Гамба Осака» жамоасига қарши ўтказди.

«В» гуруҳида «Пахтакор» жамоаси ғалабадан сўнг очколари сонини тўрттага етказиб, гуруҳда очколар сони бўйича иккинчи бўлиб турган «Баньяс» (БАА) билан тенглашди. Фақатгина тўплар нисбатига кўра, амирлик жамоаси олдинда. Биринчи ўринни эгаллаб турган «Ал Иттиҳод» (Саудия Арабистони) жамоасида олти очко (бунда «Ал Иттиҳод» ва «Баньяс» ўртасида кеча бўлиб ўтган 3-тур натижаси ҳисобга олинмаган) мавжуд. 17 апрель кuni 4-тур учрашувлари доирасида «Пахтакор» «Ал Араби» жамоаси меҳмони бўлади.

ОЧЛ 3-турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

- Г «Централ Коаст Маринерс» — «Сеонгам Илва Чунма» 1:1
- Е «Похан Стилсерс» — «Аделаида Юнайтед» 1:0
- Г «Тианцзин Теда» — «Нагоя Грампус» 0:3
- А «Истиқлол» — «Ал-Жазира» 1:2
- С «Сепакон» — «Лахвия» 2:1
- С «Ал-Наср» — «Ал-Ахли» 1:2

ОФК кубогида Фаргона жамоаси «Д» гуруҳида 7 очко жамғарган ҳолда яқка пешқадам бўлиб олди.

«Ал Аруба» ва «Ал Виҳдат» (Иордания) жамоаларида 3 очкодан, «Салгаокар» (Ҳиндистон) жамоасида эса 1 очко (бунда «Ал Виҳдат» ва «Салгаокар» ўртасида кеча бўлиб ўтган 3-тур натижаси ҳисобга олинмаган) мавжуд.

10 апрелга белгиланган кейинги тур учрашувида «Нефтчи» «Ал Аруба» жамоаси меҳмони бўлади.

○ Футзал



ОЧЛга қуръа ташланади

1-7 июль кунлари Қувайтда бўлиб ўтадиган футзал бўйича клублар ўртасидаги Осиё чемпионлар лигасига қуръа ташлаш маросими 26 апрель кuni Тошкент вақти билан 14:00 да бошланади. ОФКдан келган хабарга кўра, қуръа ташлаш механизми ҳақидаги маълумот 13 апрель кuni тақдим этилади.

Осиё чемпионлар лигасининг финал қисмида 8 та мамлакат чемпионлари иштирок этади. Аввалги чемпионат яқунлиги кўра, дастлабки учта ўринни кўлга киритган Япония, Эрон ва Ливан чемпионлари, шунингдек, мезбон Қувайт чемпиони ҳам саралаш ўйинларисиз ОЧЛ финал босқичи йўланмасига эга бўлади. Маълумки, Фарбий зонадан пойтахтимизда бўлиб ўтган саралаш баҳсларида Ўзбекистон («Ардус») ва Катар («Ар-Райян») чемпионлари йўланмаларни кўлга киритишганди. Шарқий зонада эса бундай имконият Вьетнам ва Таиланд клубларига насиб қилган.

«БАРСЕЛОНА» ВА «БАВАРИЯ» ЯРИМ ФИНАЛДА



Кўхна қитъа яшил майдонларида Европа чемпионлар лигасининг чорак финал жавоб учрашувлари бўлиб ўтди.



Испаниянинг «Барселона» жамоаси Италиянинг «Милан» жамоасини ўз майдонида 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Италияда кечган биринчи учрашувда ҳисоб очилмаган эди. Натижада ярим финалга «Барселона» йўл олди.

Германиянинг «Бавария» жамоаси эса иккала ўйинда ҳам Франциянинг «Марсель» жамоаси дарвозасига жавобсиз иккитадан гол уриб, кейинги босқич масаласини осонлик билан ҳал қилди.

Ярим финалнинг қолган иккита иштирокчиси номи кеча бўлиб ўтган «Реал Мадрид» (Испания) — «АПОЭЛ» (Греция), «Челси» (Англия) — «Бенфика» (Португалия) учрашувлари натижасига кўра аниқланади. Дастлабки баҳсда «Реал Мадрид» «АПОЭЛ»ни 0:3, «Челси» эса «Бенфика»ни 0:1 ҳисобида мағлубиятга учратган.

○ Шахмат

ҒОЛИБЛАР СЎНГГИ ТУРДА АНИҚЛАНАДИ

Пойтахтимизда шахмат бўйича 12 ва 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати давом этмоқда.

Швейцария усулида 9 турдан иборат мусобақада жами икки юз нафарга яқин шахматчи иштирок этмоқда. 12 ёшгача бўлган ўғил болалар мусобақасида мағлубиятсиз ўйнаётган тошкентлик Саидакбар Сайдалиев ва хоразмлик Нодирбек Ёқуббоев саккизинчи турда ҳам ғалаба қозонишди. Саидакбар Темур Игонинни мот қилиб, 7 очко жамғарган бўлса, наманганлик Оқулбек Ҳамидовдан устун келган Нодирбек очколари сонини олти яримтага етказди. Сўнгги турда мазкур



икки шахматчи ўзаро бахslashлади. Шунингдек, соврилли ўринларга олтидан очко жамғарган беш нафар шахматчи давгогарлик қилмоқда.

Қизлар мусобақасида ҳам пойтахтлик ҳамда хоразмлик шахматчилар — Асал Салимова ва Нилуфар Ёқуббоева еттидан очко билан етакчилик қилмоқда. Пойтахтнинг бошқа бир вакили Комила Собирова 6,5 очко билан учинчи ўринда бормоқда.

18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида сурхондарёлик Бобур Сатторов 6,5 очко билан биринчи ўринни эгаллаб турибди. У сўнгги турда 6 очко эга бўлган Тошкент вилояти вакили Алишер Бекмуродовга қарши дона суради. Шунингдек, соврилли ўринлар учун курашни давом эттиратган самарқандлик Алихон Гусейновда ҳам 6 очко мавжуд.

Қизлар мусобақасида амалдаги чемпион Сарвиноз Қурбонбоева яна бир бор олтин медални кўлга киритишга яқин турибди. Сирдарёлик спортчи сўнгги тур олдидан пойтахтлик Полина Вербова ни мот қилиб, очколари сонини 7,5 тага етказди. Самарқандлик Фарида Хурсанова 6,5 очко билан иккинчи, навойиллик Моҳинур Қахрамова 6 очко билан учинчи ўринда бормоқда.

○ Теннис

ОМОНМУРОДОВА КУРАШДА ДАВОМ ЭТАДИ

АҚШнинг Чарльстоне шаҳрида соврин жамғармаси 740 минг АҚШ долларини ташкил қилган WTA турнири бўлиб ўтмоқда.

Унда иштирок этаётган ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова саралаш учрашувларини муваффақиятли яқунлаб, асосий тур баҳсларига йўл олди. Ушбу босқичда Оқгулнинг биринчи рақиб АҚШ вакили Жилл Крайбас бўлади.



ГАЗ ВА ЭЛЕКТРАН ТЎҒРИ ФЙДАЛАНИНГ

Кўпчилик фуқаролар уйларидаги электр ускуналарини хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан татмирлашади. Худди шундай ҳолатларни корхона-ташкилот, аҳоли тураржойларида ҳам учратиш мумкин.

Газ плитаси ўрнатилган хона тез-тез шамоллатиб турилиши керак. Газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбоблардан нотўғри фойдаланиш, ёш болаларнинг гугурт билан ўйнашига бепарво қараш ёнғинни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан саналади. Масалан, Ҳамза тумани Маърифат маҳалласи Қашқадарё кўчаси 3-уйда юқорида санаб ўтилган омиллар сабаб ёнғин содир бўлган. Натижада уй ичида бўлган жиҳозлар батамом кулга айланган. Аммо бундай вазиятлар фақатгина уй-рўзгор буюмларига ўт кетиши билан ниҳояланмаяпти. Аксарият ҳолларда турли даражада куйиш оқибатида шифоналарга тушаётган фуқаролар ҳам бор. Уларнинг бу куйга тушишига кўпинча ўзларининг эҳтиётсизлиги сабаб бўлмоқда.

Рашид НИЁЗОВ,
12-ХҲХ кичик инспектори,
сержант.



ЁҒ ДОҒЛАЙНИ ДЕБ... ДОҒДА ҚОЛМАНГ

Бектемир тумани Ҳ.Бойқаро маҳалласи Юқори Чирчиқ кўчасида жойлашган 8-сонли кўп қаватли уйнинг 3-хонадонида яшовчи фуқаро З.Хатамова ошхонада ёни доғ қилаётди, уни назоратсиз қолдирган. Қозондаги ёғ қизиб, ёнғин юзгага келган.

Шу ўринда айтиш керакки, ёниб турган газ плитаси устида кир қуритиш мумкин эмас. Бундай ҳолатлар кучли ёнғин чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳовли шароитида тандирхона ва ошхона хавфсиз, очик жойда қурилгани маъқул. Яшайдиган уй томларида ҳар хил ёнувчи буюмлар, иккиламчи уй-рўзгор жиҳозларини сақлаб бўлмайди. Табиий газни резина шланглар орқали улаш хавфли. Айниқса, тунда газни ёқилган ҳолатда қолдириш ярамайди. Кечаси газ босими ортиши ёки камайиши натижасида кўнгилсиз ҳодиса содир бўлиши мумкин. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳар бир шахс содир этилиши мумкин бўлган нохуш ҳолатларнинг олдини олган бўлади.

Ф.УТБАСАРОВ,
Бектемир тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими
кичик инспектори, кичик сержант.

ЁНҒИНИНГ САБАБИ БЕПАРВОЛИК

Ҳар биримиз кундалик турмушимизда оловдан фойдаланамиз. Лекин барча ҳам ундан тўғри фойдаланишни билавермайди.

Агар биз ҳаётимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзга келаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Кўпчилик фуқаролар онгли равишда ўзларини ва мол-мулкларини хатарга қўйишади. Мисол учун Чилонзор туманида истиқомат қилувчи А.Комилов хонадонида юқоридаги сабаблар туфайли ёнғин содир бўлди. Оқибатда уй ошхонасининг том панжараси ёниб кетган. Шу туманда истиқомат қилаётган Х.Азизовнинг хонадонида эътиборсизлик туфайли содир бўлган ёнғин сабаб нафақат моддий зарар қўрилди, балки уй эгаси жиддий тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилди.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун Ёнғин хавфсизлиги ходимлари маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда профилактика тадбирларини изчил олиб боришлари лозим.

Тойир ФАЙЗУЛЛАЕВ,
12-ХҲХ кичик инспектори,
катта сержант.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ВНИМАНИЮ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ КАШКАДАРЬИНСКОГО ОБЛХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ НА:

● **ЛОТ № 31-1. Строительство 2-х этажного административного здания пенсионного фонда Каршинского района Кашкадарьинской области.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком 6 месяцев

Стартовая стоимость заказчика составляет 405.496.000 сум без НДС, 486.595.000 сум с НДС.

● **ЛОТ № 31-2. Строительство 3-х этажного административного здания для областного управления пенсионного фонда, КРУ, ВТЭК Кашкадарьинской области и капитальный ремонт здания обл. ФУ в г. Карши.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком 8 месяцев

Стартовая стоимость заказчика составляет 875.343.000 сум без НДС, 1.050.412.000 сум с НДС.

● **Строительство 2-х этажного административного здания для финорганов, служб казначейства, пенсионного фонда и ВТЭК Дехканабадского района Кашкадарьинской области.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком 8 месяцев

Стартовая стоимость заказчика составляет 910.518.000 сум без НДС, 1.092.621.000 сум с НДС.

Финансирование осуществляется за счет: Госбюджет.

Заказчик: Инжиниринговая компания Кашкадарьинского облхокимията

Адрес: г.Карши ул. "Ўзбекистон овози газетаси" дом 3. Тел: 227-13-51, 227-18-51.

— По объектам строительства и реконструкции со стартовой стоимостью до 500 млн. сум конкурсные торги проводятся исключительно среди субъектов малого бизнеса.

— По объектам строительства и реконструкции со стартовой стоимостью свыше 500 млн. сум при прочих равных условиях предпочтенье отдаётся субъектам малого бизнеса.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ, обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые предпочтения для отечественных подрядчиков: при прове-

дении оценки конкурсных предложений участников конкурсных предложений с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достигаются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и предоставления конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов — **Кашкадарьинский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве** по адресу — г.Карши Ханабадское шоссе дом 46 а. Тел./факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06, 224-18-33. Стоимость одного комплекта документов 120000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Срок реализации конкурсной документации составляет 13 дней с дня публикации объявления.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 15 дней после опубликования объявления (на основании протокольного решения утвержденного первым заместителем Премьер-министра Республики Узбекистан Р.С.Азимова), в здании заказчика по адресу — **г.Карши ул. "Ўзбекистон овози газетаси" дом 3.**

Ташкент ш. Бектемир т.да (11.01.2010 й., реестр № 000833-02) рўйхатга олинган "AIS MEVEL" ЖК (СТИР 301434147) 03.04.2012 й.даги 1-сонли буйруғига асосан тугатилади. Давволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мuddатда Бектемир т. Х.Байқаро кўч. 41-уй мажлисида қабул қилинади.

Ташкент ш. М.Улугбек т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҮИ томонидан (реестр № 000240-04, 03.02.2004 й.) рўйхатдан ўтган "ULTAM-SAVDO" МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр йўқолиши сабабли бекор қилинади.

Утерный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Алмазарский (быв. С.Рахимов) р-н Корсарой 118, выданный БТИ Алмазарского (быв. С.Рахимов) р-на г. Ташкента на имя БатYROVA Нурхашиф Зунировна, считать недействительным.

Утерный гос. ордер № 05-02/5510 от 13.02.1993 г. права собственности и план квартиры по адресу: Каракамыш 2/4, 52, 9, выданный Алмазарским (быв. С.Рахимовский) БТИ на имя Рузиевой Адолат Абдукадыровна, считать недействительными.

Утерный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Чиланзар-30, 20, 25, выданный Утепелиским БТИ на имя Каримова Бахтияр Саидганиевич, считать недействительным.

Частная фирма "SANJARBEK" Шайхантахурского р-на г. Ташкента, реорганизуется в ООО "SANJARBEK" (ИНН 200842394).

Утерный диплом К 1861424, выданный в 2010 г. Юридическим колледжем № 1 г. Ташкента на имя Пулатовой Мастуры Солихоновны, считать недействительным.

ООО "DELTA LEASING" реализует здание по адресу: г. Ташкент Шайхантахурской р-н ул. Авиационный д. №3. За дополнительной информацией обращаться по адресу: Чиланзарский р-н ул. Фурката, 15/1.

ООО "DR FAZZ SERVICE" (ИНН 207040977), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията М.Улугбекского р-на г. Ташкента (реестр № 005177-04, 20.11.2009 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский р-н ул. Ахурганская д. 35, ликвидировано (протокол № 1 от 04.04.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

МЧЖ "AVTOMAKS PLUS" Устав фонда 22 000 000 сумдан 15 386 278 сум 99 тийинга камайтирилганлигини маълум қилади.

СП ООО "FAHR SANOAT" (ИНН 301484766) объявляет о своем преобразовании в ООО "FAHR SANOAT". СП ООО "FAHR SANOAT" является правопреемником по всем правам и обязательствам ООО "FAHR SANOAT". Адрес: г. Ташкент Шайхантахурской р-н ул. Абзалова, 7.

Утерный контрольно-кассовый аппарат "Меркурий 115Ф" № 757707 (рег. № 3732 от 14.06.07 г.) ЧП "MUXTOR-FARMA" М.Улугбекского р-на, считать недействительным.

ООО "VENI VIDI VICI M" (ИНН 301282052) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Утепелинского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Фархадская 11/17, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 31.03.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 782-52-33.

Сирдарё вилояти ҳокимлигининг қурилишда "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2012 йил 3 апрель № 40 (7969) сонида Ховос тумани молия бўлими, газначилик хизмати ва бюджетдан ташқари пенсия жағмамғаси маъмурий биноси қурилиши бўйича пудрат танлов савдолари ҳақидаги эълонга аниқлик киритиб, танлов эълон чоп этилгандан сўн 30 кун ўрнига 15 кундан кейин ўтказилишини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг "Ўздавтехназорат" Бош инспекцияси жамоаси инспекция бошлиғи ўринбосари Сайфулло Файзуллаевага волидаи муҳтарамаси

ТЎЙБИШИШ АЯНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Республика Ўсимликларни химоя қилиш ва агрохимё маркази жамоаси Қорқалпоғистон Республикаси Чигиртка қарши қурашиш хизматининг собиқ бош агрономи
Ҳамидилла СЕЙТИМБЕТОВнинг
вафоти муносабати билан оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этилади.



7 ҳақида МИСОЛ

Рақамлар ҳам инсон тақдирда ўзига хос аҳамиятга эга эканлигини биласизми? Шундай рақамлар борки, улар ўзларидан маъно ясайди. Етти — 7 рақами. Масалан, дунёнинг етти мўъжизаси деймиз. Буларга Миср эҳромлари, Бобил осма боғлари, Артемида ибодатхонаси, Галикарнас даҳмаси, Зевс ҳайкали, Родосдаги ҳайкал, Искандария маъғи киради.

Бундан ташқари, ўрта асрлар етти мўъжизаси ҳам мавжуд бўлиб, улар Рим колизеи, Искандария ер ости йўллари, Буюк Хитой девори, Авлиё София ибодатхонаси, Стонехенге, Пиза минораси, Нанжинг ибодатхоналари ҳисобланади.

Шунингдек, 20 асрда инсоният томонидан барпо этилган куйидаги обидалар замонавий дунёнинг етти мўъжизаси ҳисобланади. Ушбу рўйхат жаҳоннинг кўзга кўринган архитекторлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унда биноларнинг техник ва ижтимоий жиҳатлари ҳисобга олинган. Бу рўйхатда биринчи ўринда "Channel Tunnel" туради. У Англия ва Францияни боғлаб турувчи сув ости йўлидир. Иккинчи ўринда — Торонтодаги телеминора. Учинчи ўринда "Empire State Building" номи билан аталувчи Нью-Йоркдаги осмонўпар бино. Сан-Францискодаги "Golden Gate Bridge" кўприги эса тўртинчи ўринда турар экан. Бешинчи ўринда Бразилия ва Прагадаги тўғон, олтинчи ўринда Нидерландия Шимолий денгиз муҳофазаси, кейинги ўринда Панама канали туради. Дунёнинг турли бурчақларида жойлашган ушбу мўъжизаларнинг қирралари кўп, уларни фақатгина, етти рақами бирлаштириб тургандек гўё.

Бундан қарангки, иқлимлар сони ҳам еттига экан. Яъни, Экваториал, Субэкваториал, Тропик, Субтропик, Мўътадил, Субарктик ҳамда Арктик.

Қадимги халқлар етти муқаддас сайёра инсон ҳаётига, тақдирига, ўзаро ҳаракатларига боғлиқ деб тушунганлар ва шундан ҳафта кунларини ҳам ўйлаб чиқарган. Кўёш ва ойни ҳам шунга қиритишган. Сайёралар ўзига хос



рамзий маънога ҳам эга бўлиб, куйидагича изоҳланган; Кўёш — куч-гайрат, Ой — дилбарлик, Марс — жанг-жадал, Меркурий — ақл-заковат, донолик, Юпитер — бахт, Венера — севги, муҳаббат, еттинчи сайёра Сатурн эса деҳқончилик ва ҳосилдорлик тимсолидир.

Қадимги ва ўрта аср таълим тизимида онгни ва мантиқни юксалтирувчи етти фан мавжуд бўлган. Ушбу фанларни қадимги юнон мутафаккирлари комиллик-

ка элтувчи йўл дея таърифлаганлар. Бу фанлар грамматика, мантиқ, риторика, геометрия, арифметика, астрономия ва мусиқа.

Бундан ташқари, тилимизда тез-тез ишлатилиб турадиган етти рақами билан боғлиқ бўлган иборалар ҳам талайгина. Халқимизда бир фарзандга етти қўшни ота-она, деган пурҳикмат мақол ҳам мавжуд. Шунингдек, «етти ухлаб, бир тушга қирмаган», «етти ўлаб бир кес», «етти ёшдан етмиш ёшгача» сингари ибора ва мақоллар бор.

Дунё мўъжизага бой. Унинг ўрганилган қирралари билан бирга ҳали кашф этилмаган ажойиб-ботлари талайгина. Уларни ўрганиш эса ҳамиша мароқли ва қизиқарли.

Дилафрўз **ГАЙБИЕВА**
тайёрлади.



(9 апрель — 15 апрель)

КҮЙ (21.03 — 20.04)



Меҳнатда, муносабатларда ва муҳаббатда муроса йўлини тугсангиз, турли дилхираликлардан узоқроқ бўласиз. Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказинг. Соғлигингизга эса асло бефарқ бўлманг.

БУЗОҚ (21.04 — 20.05)



Дунёда бўлаётган барча воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлинг. Бу сизга керакли вақтда зарур хулосаларни чиқаришда асослади. Фақат бунда олинаётган ахборотнинг муҳим ёки аҳамиятсиз эканлигини билиш зарур.



ЭГИЗАКЛАР (21.05 — 21.06)



Шахсий ҳаётингизда ишдаги ҳамкорларингизнинг ҳам таъсири сезилиши мумкин. Ҳеч қачон биринчи бўлиб қадам ташламанг. Йўқса панд ейтишингиз мумкин. Аксинча, қулай вазиятни кутганингиз яхши.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07)



Бир қанча муддатдан буюн таъқиб қилиб келётган муаммолардан халос бўласиз ва енгил тортган ҳолда янги лойиҳалар ижросига киришасиз. Агар ҳушёр бўлиб ҳаракат қилмасангиз, яна ўша гирдобга тушиб қолишингиз мумкин.



АРСЛОН (23.07 — 23.08)



Сизга омад қулиб боқадди. Тадбиркорлик билан шуғулланишингиз мумкин. Турли ташкилотлардан янги ва фойдали таклифлар тушади. Иш юзасидан ёки шунчаки дам олиш учун саёҳатга чиқиш фойдадан холи бўлмайди.

ПАРИЗОД (24.08 — 23.09)



Ҳар-ҳар замонда тиббий кўриқдан ўтиб туринг. Бу ўзингизнинг фойдангизга хизмат қилади. Бир оз фаоллиқни сусайтирсангиз ҳам ҳеч нарса йўқотмайсиз. Сиз ҳам кўйримасангиз-да иш бир маромда давом этакеради.



ТАРОЗИ (24.09 — 23.10)



Ҳамкорликда иш юритганда жамоадагиларга ўзингизга ишонгандек ишонинг. Ҳар қандай шубҳа салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Агар ўзаро ишонч бўлмаса, лойиҳани бошламай турганингиз маъқул.

ЧАЁН (24.10 — 22.11)



Ён-атрофингиздагиларга сиздан фойдаланиб, гаразли мақсадларини амалга оширишларига асло йўл қўлманг. Бу йўлда дўстларингиз сиздан ёрдамларини аямайдилар. Сиз ҳам ўз вақтида уларни қўллаб туринг.



ЎҚОТАР (23.11 — 21.12)



Бугун ҳаётингизни янги лойиҳалар, фикрлар чулғаб олади. Сизга уларни амалга ошириш ўта мушкул ёки умуман илҳом йўқдек туюлади. Аммо енг шимариб ишга киришсангиз, барча қийинчиликлар секин-аста орта қолади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)



Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар ўзингизга даромад қўришлари қўлмайди. Фақат турли қийинчиликларни яшилдиб ҳисоб-китоб қилинг. Йўқса, чув тушиб қолишингиз мумкин. Спорт билан шуғулланишни асло қанда қўлманг.



ҚОВҒА (21.01 — 20.02)



Шахсий жамғармангизни мустаҳкамлаш билан бир вақтда, бошқа йўналишларда ҳам янги лойиҳаларни амалга ошириш учун фурсат топасиз. Бу жараёнда сиздан ҳушёр бўлиш талаб қилинади. Яқинларингиз билан маслаҳатлашган ҳолда иш тулинг.

БАЛИҚ (21.02 — 20.03)



Яхши муомалада бўлиш ва хотиржамлик муваффақият гарови. Ушбу бурж вақилари афродегиларни ўз юзларига осонлик билан ишонтира олади. Ишда ва шахсий ҳаётда ўзаро муносабатларни мустаҳкамлайдилар.



Ишдан қайтган эр
остонадан туриб хотинига
дебди:
— Бугун эрталаб
шунчалик аччиқ қаҳва
дамлаб берибсан-
ки, ишда умуман
ухлолмадим.



— Windows ва хотин ўрта-
сида қандай фарқ бор?
— Ҳеч қанақа! Иккаласи
ҳам тонналаб кераксиз ахборотни
тақдим этади-да, кун-
дек равшан нарсани ҳам
уч марталаб қайта
сўрайди.

Бош муҳаррир:
ЧОРИ ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Аграрно-соҳа комплекси
тарихидаги ҳамда шу
тармоққа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Айгит АДИЛОВ, Улугбек УЗОҚОВ,
Сейтахон АБДУЛЛАЕВА, Маҳмуд
ТОИР, Хамробой РАЗЗОҚОВ, Ҳабиб
ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир
ўринбосари), Овонулла ЮНУСОВ, Ашар
КУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ,
Шерзод РУЛОМОВ, Муҳиддин
АБДУСАМАТОВ (масъултоб).

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маълумот ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДАЛДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси — (8-361) 352-54-58; Андижон — (8-374) 970-99-13; Бухоро — (8-365) 593-27-57; Жиззах — (8-372) 366-61-16; Наманган — (8-369) 562-19-59; Фарғона — (+998-91) 137-06-83; Самарқанд — (+998-97) 756-68-27; Сирдарё — (8-367) 588-06-89; Тошкент — (+998-97) 800-29-61; Хоразм — (8-362) 520-69-14; Қашқадарё — (8-375) 229-17-29.

Реклама ва
эълонлар:

**236-58-83,
233-28-04.**

Реклама ва
эълонлар матни
учун буртовчани
жавобгар

ISSN 2010-7023



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан 2009 йил
13 февралда № 0020-рақам
билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи
муҳаррир:

С. СОЛИЕВА

Мусахҳас:

О.ОЧИЛОВ

Дизайнер:

М.БОБОМУХИМБЕВА

Газета шекиба, пайшанба,
ҳушанба кунлари чикади.
Буюртла Г-414,
ҳажин 2 босма табоқ.

Офсет усулида
босилди, қоғоз
бичими А-3.

Монизилимиз:
100000, Тошкент,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй

E-mail:
info@qishloqhayoti.uz
qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.05
23170 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета тахрирининг
ўзиди компьютерда
терриди ва
сахифаланди.

"Шарқ" нашрий-матбаа ашидорлик
компанияси босмақонасида босилди.
Маъиник: "Буюк Турон" ашқаси, 41-уй.